

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА
СУВ ХЎЖАЛИК ВАЗИРЛИГИ**

АНДИЖОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ

ИҚТИСОДИЁТ ВА БОШҚАРУВ ФАКУЛЬТЕТИ

ИҚТИСОДИЁТ ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШИ

Қишлоқ хўжалик иқтисодиёти ва бошқарув кафедраси

« Т А С Д И Қ Л А Й М А Н »
факультет декани _____
и.ф.н. Х.Х.КАМОЛОВ
« ____ » _____ 2012 йил

«Химояга рухсат этаман»
кафедра мудири _____
доцент О.Шерматов
« ____ » _____ 2013 йил

Иқтисодиёт таълим йўналишининг битирувчиси
АХМЕДОВ ШЕРЗОДБЕКнинг

∪
БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

**Мавзу: Шахрихон туманидаги Шахрихон баракаси фермер
хўжалигида ишчи ва хизматчи ходимларни бошқаришни
такомиллаштириш йўллари.**

БМИ рахбари: _____ **и.ф.н. доцент О.Махмудов.**
Бажарувчи: _____ **Ахмедов Ш.**

Андижон - 2013

ЎЗБЕКИСТОН КИШЛОК ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ
АНДИЖОН КИШЛОК ХЎЖАЛИГИ ИНСТИТУТИ
ИҚТИСОДИЁТ ВА БОШҚАРУВ ФАКУЛЬТЕТИ
КИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИҚТИСОДИЁТИ ВА БОШҚАРУВ
КАФЕДРАСИ

“Т А С Д И Қ Л А Й М А Н”

Қишлоқ хўжалик иқтисодиёти ва
бошқарув кафедрасининг мудир

Б.Носиров _____

«__7__»_декабрь__2012 й.

Иқтисодиёт таълим йўналишининг битирувчиси
Ахмедов Шерзодбекга битирув малакавий ишини бажариш учун

ТОПШИРИК

- 1. Битирув малакавий ишининг мавзуси** институт ректорининг 2012 йил 26- сентябрдаги № 207- Ст (А) буйруғи билан тасдиқланган.
- 2. БМИнинг мавзуси:** Шахрихон туманидаги Шахрихон баракаси фермер хўжалигида ишчи ва хизматчи ходимларни бошқаришни такомиллаштириш йўллари.
- 3. Битирув малакавий ишни тугатиш вақти** « 30 » м а й 2013 йил.
- 4. Битирув малакавий ишнинг асосий бўлимлари.** БМИ кириш, асосий қисм, хулоса ва таклифлар ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.
- 5. Битирув малакавий ишни бажариш учун керакли маълумотлар.** Ўзбекистон Республикасининг қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни ўтказишга оид бўлган қонунлари, Президент фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, И.А.Каримов асарлари, мавзуга оид махсус адабиётлар, ҳамда Шахрихон туманидаги Шахрихон баракаси фермер хўжалигининг 2010-2012 йиллар учун бизнес режалари, йиллик хисоботлари ва мавзуга оид бўлган бошқа маълумотлари.
- 6. Битирув малакавий ишда фойдаланиладиган жадваллар.** Битирув малакавий ишида мавзунинг моҳиятини ёритишга ёрдам берадиган 8-10 та жадвалларни тузилиши кўзда тутилган бўлиб, улардан 3 таси бевосита ҳимоя жараёнида фойдаланилади.

Битирув малакавий ишнинг асосий саволлари	БМИни рахбари	Бажарилиш муддати	Имзо
<i>Кириш</i>	<i>доцент О.Махмудов .</i>	<i>21.12.2012</i>	
<i>Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi шароитида ишчи ва хизматчи ходимларни бошқаришни назарий асослари.</i>	<i>доцент О.Махмудов .</i>	<i>30.01.2013</i>	
<i>Фермер хўжаликларида ишчи ва хизматчиларни бошқарувнинг аҳамияти, усуллари ва кўрсаткичлари</i>	<i>доцент О.Махмудов .</i>	<i>27.02.2013</i>	
<i>Шахрихон туманидаги Шахрихон баракаси фермер хўжалигининг табиий-иқтисодий шароити</i>	<i>доцент О.Махмудов .</i>	<i>31.03.2013</i>	
<i>Шахрихон туманидаги Шахрихон баракаси фермер хўжалигининг иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари</i>	<i>доцент О.Махмудов .</i>	<i>30.04.2013</i>	
<i>Шахрихон баракаси фермер хўжалигида ишчи ва хизматчи ходимларни бошқарувни такомиллаштириш ва иқтисодий самарадорлигини ошириш</i>	<i>доцент О.Махмудов .</i>	<i>20.05.2013</i>	
<i>Хулоса ва таклифлар.</i>	<i>доцент О.Махмудов .</i>	<i>25.05.2013</i>	
<i>Фойдаланилган адабиётлар.</i>	<i>доцент О.Махмудов .</i>	<i>26.05.2013</i>	

Топширик берилган вақти:

БМИ рахбари:

Битирувчи:

7декабрь 2012 йил.

доцент О.Махмудов .

Ахмедов Ш.

М у н д а р и ж а

<i>№</i>	<i>Мазмуни</i>	<i>Бетлар</i>
	<i>Кириш</i>	
<i>1</i>	<i>Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi шароитида ишчи ва хизматчи ходимларни бошқаришни назарий асослари.</i>	
<i>2</i>	<i>Фермер хўжаликларида ишчи ва хизматчиларни бошқарувнинг аҳамияти, усуллари ва кўрсаткичлари</i>	
<i>3</i>	<i>Шаҳрихон туманидаги Шаҳрихон баракаси фермер хўжалигининг табиий-иқтисодий шароити</i>	
<i>4</i>	<i>Шаҳрихон туманидаги Шаҳрихон баракаси фермер хўжалигининг иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари</i>	
<i>5</i>	<i>Шаҳрихон баракаси фермер хўжалигида ишчи ва хизматчи ходимларни бошқарувни такомиллаштириш ва иқтисодий самарадорлигини ошириш</i>	
	<i>Хулоса ва таклифлар.</i>	
	<i>Фойдаланилган адабиётлар.</i>	

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги Юртимизда мустақиллик йилларида фермерлик ҳаракатини бугунги кун талаблари асосида ривожлантириш учун зарур ҳуқуқий-меъёрий замин яратиш, уларнинг ўз меҳнатидан манфаатдорлиги, ерга, мулкка, ўзи ишлаб чиқарадиган маҳсулотга эгалик ҳиссини кучайтириш, фермер хўжаликларининг самарадорлиги ва рентабеллигини ошириш борасида кенг кўламли чора-тадбирлар ҳаётга изчил жорий этилмоқда. Фермерлик ҳаракатини ҳақиқатан ҳам ҳаётимиздаги ҳал қилувчи кучга айлантириш мақсадида яқинда “Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент фармони қабул қилиниб, унда мазкур соҳани ташкилий жиҳатдан мустаҳкамлаш, фермер хўжаликларининг иқтисодий мустақиллиги ва молиявий барқарорлигини ошириш бўйича долзарб вазифалар белгилаб берилди.

Фермер хўжаликларини нафақат юқори ҳосил оладиган, айни вақтда етиштирилган ҳосилни қайта ишлаш, турли замонавий сервис хизматлари билан шуғулланадиган кўптармоқли хўжалик субъектларига, туман даражасида ҳақиқий бошқарувчига айлантириш каби вазифаларни амалга оширишда яқинда ташкил этилган Ўзбекистон Фермерлар кенгаши ўзининг ижобий таъсири ва аҳамиятини кўрсатади.

Президент И. А. Каримов таъкидлаганидек: “Ҳозирги замон бошқарув кадрлари, раҳбарлари юқори касбий маҳоратга эга бўлибгина қолмай, балки ҳар жиҳатдан маълумотли, ўз соҳаларининг билимдони, ташаббускор, топширилган иш учун жон куйдирадиган, муаммоларни ҳал қилишга ижодий ёндашадиган кишилар бўлишлари, энг муҳими эса, Ватанимизнинг чинакам фидойилари бўлишлари лозим”[5; 88 б.]. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозини ҳозирги кунда дунёдаги барча мамлакатларни қамраб олиб, уларнинг иқтисодиётига жиддий салбий таъсир кўрсатаётган бир вақтда Ўзбекистон макроиқтисодий барқарорлик, босқичма босқич ўтказилаётган

иқтисодий сиёсат, мустаҳкам молия-кредит тизими, тадбиркорлик учун яратилган қулай шароитлар, инвестицион жозибадорлик мавжудлиги эвазига иқтисодий тараққиётга эришмоқда.

Мамлакатимиз иқтисодиётининг бозор муносабатларига ўтиши ўз навбатида корхона ва ташкилотларнинг бошқарув тизимини такомиллаштиришни талаб этади. Чунки хўжаликларнинг самарали ишлашини малакали раҳбар ходимлар таъминлайди. Бу борада республикамиз Президенти бозор иқтисодиётига ўтиш, иқтисодий муносабатларни янгилаш, институционал ўзгаришларни амалга оширишни бошқаришнинг тегишли структурасини яратишни тақозо этишлигини алоҳида уқтиради.

Ҳозирги вақтда қишлоқ хўжалигида устувор ривожлантиришга эътибор берилётган фермер хўжаликларида бошқарув тизимининг тўғри йўлга қўйилиши муҳим аҳамият касб этади. Бошқарувнинг мазмунини очиш билан бирга унинг икки томонини фарқлаш зарур. Яъни таҳник ва ижтимоий-иқтисодий жараёнларни бошқариш. Кўп усуллар амалий тажриба шундай натижа чиқаришга ундайдики, ишлаб чиқаришнинг фаолият самарадорлиги фақат таҳник, таҳнологик, таҳкилий режалаштириш ва бошқа омилларга боғлиқ бўлиб қолмай, балки сезиларли даражада иш бажарувчилар ишларининг сифатига ҳам боғлиқдир. Фаолият сифати анча кенг тушунча. Бу ишлаб чиқаришни аниқ таҳкил қилиш, меҳнат жараёнининг аниқ маромига етказилишини таъминлаш, таҳнологияга риоя қилиш, моддий ресурсларни тежаб ишлатиш, ўзаро талабчанлик, ўзаро ёрдам бериш ва бошқалар.

Қишлоқ хўжалигида бошқарувнинг асосий вазифаси сифатида жамият ривожланишининг объектив қонунлари талабларини ҳисобга олган ҳолда фермер хўжаликлари иқтисодиётини самарали бошқариш учун юқори фойда олиш мақсадига йўналтирилган ҳаракатлар тамоийилларини ишлаб чиқиш зарурдир.

Ерни ўзининг ҳақиқий эгасига – деҳқонга хусусий мулк шаклида

топшириш йўналиши бўйича қишлоқ хўжалигидаги ислохотлар ўзининг мантикий поёнига етган 2010 йилнинг охирига келиб, барча фермер хўжаликларни ер майдонлари муқобиллаштирилиб борилди, ҳамда ҳозирги кунгача дамом этмоқда. Таъкидлаш мумкинки, фермер хўжаликларини ташкил этиш ва қишлоқ хўжалигида бозор инфратузилмаси шохобчаларини ташкил этиш жараёни дастурда режалаштирилганига қараганда анча тез амалга оширилди. 2012 йил якунларига кўра 66 мингдан ортиқ фермер хўжаликлари фаолият кўрсатмоқда. Мамлакатимиздаги жами ҳайдаладиган ерларнинг 85 фоиздан ортиқ, етиштириладиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг асосий қисми айнан фермерлар ҳиссасига тўғри келмоқда. Республика бўйича 2012-йилда Ўзбекистонда деярли барча қишлоқ хўжалик экинлари – ғалла, пахта, сабзавот, полиз экинлари ва узумдан юқори ҳосил олинди, 3 миллион 460 минг тоннадан ортиқ пахта, 7 миллион 500 минг тонна ғалла, 2 миллион тоннадан зиёд картошка ва 9 миллион тоннадан ортиқ сабзавот ҳамда полиз маҳсулотлари йиғиб-териб олинди, ва етиштирилди.

Мамлакатимиз иқтисодиётини мутаносиб ривожлантириш, унинг самарали таркибий тузилмасига эга бўлиш ва шу орқали барқарор иқтисодий ўсиш суръатларига эришиш Ватанимиз тараққиёти ва халқ фаровонлигини таъминлашнинг муҳим шартларидан ҳисобланади. Ушбу мақсадга эришиш учун эса энг аввало иқтисодиётнинг реал секторини жадал ривожлантириш зарур бўлади.

Шунга кўра, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш долзарб аҳамият касб этиб, республикамизда ушбу жараён ушбу асосий йўналишлар бўйича амалга оширилди:

- Маҳсулот таннархини пасайтириш;
- Экспортёр корхоналарга солиқлар бўйича имтиёзлар бериш;
- Банк кредитлари орқали қўллаб-қувватлаш;
- Ишлаб чиқаришни кенгайтириш

Бугунги кунда республикаимиз иқтисодиётининг деярли барча тармоқ ва соҳаларида ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш тадбирларининг кенг кўламда амалга оширилиши рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқариш имкониятларини кенгайтирмоқда. Бироқ, бу борадаги жиддий муаммо – айрим маҳсулотлар, жумладан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари таннархининг юқори даражада қолаётганлиги уларнинг рақобатдошлигига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Шунга кўра, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларни барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги Фармонида муҳим чора-тадбирлар қаторида маҳаллий ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг барча ресурслардан самарали фойдаланиши ҳисобига маҳсулот таннархини 20 фоиздан кам бўлмаган миқдорда пасайтириш орқали уларнинг рақобатдошлигини таъминлаш вазифаси ҳам белгилаб берилган эди.

Фермер хўжаликларини бошқариш жараёнида давлат эҳтиёжлари учун пахта ва ғалла етиштиришнинг иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларини чуқур ўрганиш талаб этилмоқда. Чунки пахта ва ғалла етиштириш учун зарур бўлган ёқилғи, минерал ўғитлар, уруғлик, техник сервис хизматлари каби моддий-техника ресурсларининг баҳолари эркин нархлар туфайли юқори даражада ўсиб кетмоқда. Бу эса қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларга ноқулай бўлган номутаносибликларни келтириб чиқармоқда. Бугдой таннархини камайтириш ва самарадорликни ошириш, ғалла миқдорини янада кўпайтириш бугунги куннинг долзарб муаммоларидан биридир.

Юқорида келтирилган маълумотлардан хулоса қилинганда, биз танлаган мавзу ҳозирги кунда илмий ва амалий тадқиқотларни талаб қилувчи долзарб масала ҳисобланади.

Битирув малакавий ишининг мақсади ва вазифалари. Битирув малакавий ишининг асосий мақсади Жаҳон инқирози шароитида фермер

хўжаликларини бошқаришни назарий аҳамиятини асослаш ва Шахрихон туманидаги Шахрихон баракаси фермер хўжалигида ишчи ва хизматчиларни бошқарувни такомиллаштириш бўйича фикр-мулоҳазаларни, хулосалар ва таклифларни ишлаб чиқишдир. Асосий мақсадга эришиш учун битирув малакавий ишида қуйидаги асосий вазифалар режалаштирилган:

1. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида Ишчи ва хизматчи ходимларни бошқаришни назарий асослари шрганиш
2. Шахрихон туманидаги Шахрихон баракаси фермер хўжалиги фаолиятини ўрганиш ва таҳлил этиш асосида хўжалик фаолиятининг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш ва ишчи ва хизматчиларни бошқарув усуллари, тузилмаси ва йўллари таҳлил қилиш.
3. Шахрихон туманидаги Шахрихон баракаси фермер хўжалигида бошқарувни такомиллаштириш бўйича фикр-мулоҳазалар, хулосаларни ва таклифларни ишлаб чиқиш.

Битирув малакавий ишининг амалий аҳамияти. Битирув малакавий ишида бирлдирилган фикр ва мулоҳазалардан, қилинган хулосалардан ва берилган таклифлардан Шахрихон баракаси фермер хўжалигида ишчи ва хизматчи ходимларни бошқаришни такомиллаштириш, ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш ва ердан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкин. БМИ да билдирилган фикр мулоҳазалардан бундан ташқари ушбу ҳудудда жойлашган ва ихтисослиги мос келадиган бошқа фермер хўжаликларида ҳам фойдаланиш мумкин.

Битирув малакавий ишининг таркиби. Битирув малакавий иши кириш, асосий қисм, хулоса ва таклифлар ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Битирув малакавий ишининг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги асосланиб, битирув малакавий ишини мақсади, вазифалари ва унинг таркиби асосланган. Асосий қисм 5 та саволдан иборат бўлиб, уларда ўқув ва илмий адабиётлар шарҳи, фермер хўжаликларининг қишлоқ

хўжалигида тутган аҳамияти асосланиб, Шахрихон баракаси фермер хўжалигида ишчи ва хизматчи ходимларни бошқарувни такомиллаштириш йўллари ва бошқа масалалари ўрганилиб, таҳлил этилган. Ишнинг хулоса қисмида бўйича Шахрихон туманидаги Шахрихон баракаси фермер хўжалигида ишчи ва хизматчи ходиларни бошқарувни такомиллаштириш йўллари бўйича фикр-мулоҳазалар ва таклифлар ишлаб чиқилган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхатига мавзуга оид бўлган қонунлар, Президент фармонлари, Вазирлар маҳкамасининг қарорлари ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда И.А.Каримов асарлари, махсус ўқув ва илмий адабиётлар, фермер хўжалигининг охириги уч йиллик ҳисоботлари ва фермер хўжалигининг бизнес режалари киритилган.

Битирув малакавий иши 69 бетни ташкил этади. Битирув малакавий ишини ёритишда 11 та жадваллардан ва 2 та чизмадан фойдаланилди.

1. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида Ишчи ва хизматчи ходимларни бошқаришни назарий асослари.

Ўзбекистоннинг халқро иқтисодий майдондаги нуфузи ва мавқеи сезиларли даражада ва мунтазам ошиб бормоқда. Бунда мамлакатимиз раҳбари Ислам Каримов томонидан ижтимоий-иқтисодий ривожланиш стратегиясининг пухта ишлаб чиқилганлиги, иқтисодий ислохотлар мақсади ва вазифалари, амалга ошириш йўллариининг аниқ ва тўғри кўрсатиб берилганлиги бош мақсад йўлидаги ютуқ ва марраларнинг салмоқли бўлишига имкон яратди.

Мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг жорий ва истиқболдаги чоратadbирларини белгилашда жаҳон молиявий инқирози оқибатларининг таъсирини ҳар томонлама ҳисобга олишимиз, иқтисодий ривожланиш дастурларини ушбу жараёнлар таъсири нуктаи-назаридан шакллантиришимиз ва уларни изчил амалга оширишимиз тақозо этилади. Бу борадаги чора-таadbирлар Президентимиз И.Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли асарларида кенг ва батафсил баён қилиб берилган. Асарда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг мазмун-моҳияти, намоён бўлиш шакллари, келиб чиқиш сабаблари, унинг Ўзбекистон иқтисодиётига таъсири, мазкур инқироз оқибатларини олдини олиш ва юмшатишга асос бўлган омиллар баён қилиб берилган. Бугунги кунда, дунёнинг кўплаб мамлакатларида давлат қарзининг ортиб бориши билан боғлиқ муаммолар сақланиб қолаётган бир шароитда, Ўзбекистонимиз четдан қарз олиш бўйича пухта ўйланган сиёсат олиб бориши натижасида давлатимиз қарз ҳажмининг улушини нисбатан паст даражада ушлаб қолишга ва ўз мажбуриятларига тўлиқ жавоб берадиган мамлакат сифатида барқарор обрў-эътиборини сақлаб қолишга эришди. 2013-йилнинг 1-январ ҳолатига кўра, Ўзбекистоннинг жами ташқи қарзлари миқдори ялпи ички маҳсулотга нисбатан 16,0 фоиздан ошмагани, бу кўрсаткич эса халқаро мезонлар бўйича “ўртачадан ҳам кам” даражада баҳолангани буни исботлаб бермоқда.

Мамлакатимизнинг иқтисодий-ижтимоий тараққиётини янги, янада юксак босқичга кўтариш мақсадида 2013 йилни мамлакатимизда “Обод турмуш йили” деб эълон қилиниши Аҳолимизнинг тинч-омон ҳаётини таъминлаш, унинг фаровонлигини ошириш, иқтисодиётимизни изчил ривожлантириш, Ўзбекистнимизнинг халқаро майдондаги обрўйини эъбори ва позитсиясини юксалтириш, минтақамизда тинчлик ва барқарорликни мусаҳкамлаш бўйича ўз олдимизга қўяётган мақсадлар, миқёси ва кўламига кўра, халқимизнинг эзгу орзу-умидлари амалга оширишдир. Фермер хўжаликларидаги ишчи ва хизматчи ходимларни бошқарини тахлил қилишдан олдин, шарқ ва ғарб мамлакатларини иқтисодий қарашлари бўйича бошқарув назариясини дастлабки кўринишларига мурожат қилишни мақул кўрдик. Дастлабки инсонлар гуруҳларни ташкил этиб яшаган даврлардаёқ бу гуруҳларда бошқаришга муҳтожлик бўлган. Қадимда ва айниқса, ўрта асрларда шаклланган давлатлар, империялар фаолияти мураккаб ташкилотларни бошқариш амалиётидан дарак беради. Бошқариш фан сифатида шакллангунга қадар бўлган бошқариш фаолияти асосан қуйидаги белгилари билан ажралиб туради:

раҳбарлар ворислик бўйича танланган;

бошқариш раҳбарлар томонидан буйруқ ва тазйик ўтказиш йўли билан амалга оширилган; ташкилот учун муҳим бўлган бошқариш қарорларини қабул қилувчи одамлар камчилик бўлган;

бошқариш фаолиятига тегишли ва тегишли бўлмаган ишлар орасида нисбатан аниқ чегаралар бўлмаган;

раҳбарлар ташкилотлардан ўзларининг шахсий манфаатларини кўзлаган ҳолда, кўпроқ бойлик орттириш ёки ўзининг сиёсий ҳокимлигини кучайтириш мақсадида фойдаланганлар. Юқоридаги белгилар бошқаришни ҳали фан сифатида шаклланмаганлигини кўрсатади. Бошқариш фанини ривожланишига таъсирини кўрсатган Соҳибқирон Амир Темурдир. Унинг

маъмурий бошқаришга доир бой меросини тарихий адабиётлардан билишимиз мумкин. Амир Темурнинг: "ҳар бир воли ўзининг қамчиси каби аҳамиятга эга бўлмаса, у туралик мансабига лойиқ эмас", ибораси унинг раҳбарлик лавозимига, одамлар гуруҳини бошқариш фаолиятига алоҳида аҳамият берганлигини кўрсатади.

Бундан ташқари Конфуций (э.а 551-479 й.), Пан-Гэн (VIII-IX аср) ҳамда алломаларимиз Ҳожа Самандар Бақо Термизий, Абу Наср Форобий, Алишер Навоий ва бошқа буюк аجدодлармиз меросларини ўрганиш ўша даврларда маъмурий бошқариш соҳасида бугун ҳам долзарб бўлиб турган муаммоларни ҳал этиш йўллари кўрсатилганлигига гувоҳ бўламиз.

Ғарб адабиётларида бошқариш назарияси ва амалиётига тегишли биринчи ишлар Платон, Марк Туллий Цицерон, кейинроқ, классик сиёсий иқтисодчилар Адам Смит ва Давид Рикардо номлари билан боғлиқ дейилади. Бошқаришнинг фан сифатида шаклланишига Ф. Тейлор катта ҳисса қўшганлиги таъкидланади. Унинг асосий қилган иши жисмоний меҳнатни ҳамда ишлаб чиқаришни ташкил этишни таркибий қисмларга (элементларга) ажратиш билан боғлиқ. Тейлор тизими меҳнат жараёнида механик ҳаракатларни таҳлил қилиш билан боғлиқ қатор бой илмий натижаларни ўзига қамраб олган: ортиқча ва ноқулай хатти-ҳаракатларни чиқариб ташлаш, ишнинг юқори даражадаги тўғри усулларини ишлаб чиқиш, ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг энг янги тизимларини киритишдан иборат. Бозор иқтисодиёти амал қилган шароитларда ишлаб чиқаришни бошқариш соҳасидаги кўзга кўринган назариётчилар Г. Эмерсон, Г. Черч, А. Файол, Э. Мейолар Тейлор ишини (ғояларини) ривожлантиран лар қаторига киришади.

Классик бошқарув негизида ишчи ва хизматчи ходимларни бошқаришнинг қуйидаги мактаблари ривож топди:

1. Маъмурий ёндашув — бошқариш фаолиятлари амалиётига олдиндан кўра олиш, ташкил этиш раҳбарлик, назорат каби тушунчаларни жорий этилиши. Яъни бошқаришни оқилона ташкил этиш ва тартибга солиш

тадбирлари тизимини шакллантириш (А. Файол, 1841-1925).

2. Бюрократик андозалар. Бош ғоя — ходимларнинг вазифаларини, бурчларини ва ҳуқуқ доираларини аниқ тақсимлаш, фаолиятларини, ихтисослаштириш аниқ белгиланган қоидалар асосида раҳбарлик қилиш ва бошқалар (М. Вебер, 1864-1920).

3. Психотехник ёндашиш. Ходимлар унумдорилигига фи-зиологик, психологик ва эргономик омилларнинг таъсирини тадқиқ қилиш. (В. Вундт, 1832-1920).

4. Инсон муносабатлари мактаби. Бош ғоя ижтимоий гу-руҳларнинг шаклланиши ва уларнинг ишлаб чиқаришда ҳам-корга айланишини ўрганиш (Э. Мэйо, 1880-1949).

5. Янги мактаб. Бошқариш илмига кибернетика ва аниқ фанлар аппаратини жорий этиш (М. Бир, 1959).

6. Ижтимоий тизимлар мактаби. Бош ғоя — шахс йўлида айрим тўсиқларнинг мавжудлиги ва низоларнинг пайдо бўлиши. Буни ҳал этиш учун инсонларнинг табиий эҳтиёжларини ўрганиш (Саймон, 1916).

Ушбу илмий-назарий йўналишлар асосида маъмурий бошқаришнинг янги концепциялари (қарашлари) ривож топмоқда.

Ўзбекистан мустақилликка эришган мана шу қисқа давр мобайнида умуман бошқариш тизимини, жумладан, ишчи ва хизматчи ходимларни бошқарув соҳасини ислоҳ қилиш ҳамда ривожлантиришнинг назарий ва амалий йўллари Президент И. А. Каримов асарлари, нутқ ва маърузаларида атрофлича, кенг ёритилган.

Мамлакатимизда бошқарув, жумладан, маъмурий менежмент назарияси ва амалиёти ривожланишига ҳисса қўшган академиклар С. С. Ғуломов, М. Ш. Шарифхўжаев, қишлоқ. хўжалик фанлари академиясининг аъзоси С.С.Ғуломов, профессорлар Ш.М.Зайнуддинов, Ё.А.Абдуллаев, К.А.Абдурахмонов ва бошқа қатор олимларнинг мазкур соҳадаги тадқиқотлари ва илмий ишларини ўрганиш алоҳида аҳамият касб этади. Юқоридаги шарқ ва ғарб

назариялардан кўриб турибдики фермер хўжаликларидаги ходимларни бошқаришни такомиллаштириш мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун фермер хўжаликни бошқарувчиси олдиндан кўра билиши, ишчи ва хизматчиларни психологик ҳолатларини доиммо ўрганиб туриши шу билан бирга бозори иқтисодиёти жараёнида юз беран жохон молиявий иқтисодий инқирози шароитида фермер хўжаликини ривжлантириш учун диққат марказини қаратиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Шундан келиб чиқиб кадрларни режалаштиришни ташкил этиш заруратга айланади.

Кадрларни режалаштириш шундан иборатки, у одамларга зарур вақтда ва керакли микдордаги иш ўринларини уларнинг қобилиятлари, майллари ва ишлаб чиқариш талабларига мувофиқ таъминлашни вазифа қилиб қўяди. Иш ўринлари унумдорлик ва асослаш нуқтаи назаридан ишловчиларга ўз қобилиятларини энг мақбул тарзда ривожлантириш, меҳнат самарадорлигини ошириш имконини бериши, инсонга хос меҳнат шарт-шароитларини яратиш ва меҳнат билан бандликни таъминлаш талабларига жавоб бериши лозим.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, ходимларни бошқарув тизимида ходимлар ҳуқуқ, бурч ва жавобгарликларининг туғри, оқилона бириктирилиши ҳамда тақсимланиши муҳим аҳамият касб этишини кўришимиз мумкин..

Ходимнинг ҳуқуқлари — маъмурий ходимга бириктирилган вазифалар ва фаолиятларни ўз вақтида, сифатли ва мақсадга мувофиқ бажарилишини таъминлаш учун етарли бўлган имко-ниятларни юқори раҳбар ёки орган томонидан берилишидир.

Ходимларнинг ҳуқуқлари, уларнинг даражаси, эгаллаб турган лавозими, мансаби, мавқеи, билими ва тажрибасини ҳисобга олган ҳолда белгиланади. Ҳар қандай ташкилотда ходимларнинг ишга бўлган муносабати ва масъулияти, уларга бириктирилган ҳуқуқларга бевосита боғлиқ бўяди. Шунинг учун ходимларнинг ҳуқуқларини аниқ белгилаш ҳамда бурч ва жавобгарлик билан мутаносиблигини таъминлаш ташкилот

муваффақиятининг асосий омилларидан ҳисобланади. Ходимнинг ҳуқуқлари лавозим йўриқномаларида белгиланади.

Ходимнинг бурчлари — ходим томонидан аниқ, ўз вақтида ва сифатли бижарилиши мажбурий бўлган ҳамда ташкилот умумий мақсадларини амалга оширишга йўналтирилган фаолиятлар мажмуидир.

Ходимнинг бурчлари лавозим йўриқномаларида, ташкилот ва жамоат ташкилотлари Низомларида, ички тартиб-қоидаларда белгиланади. Ишга қабул қилинишда ходим ўзи ва маъмурият ўртасида тузиладиган меҳнат шартномасида кўрсатилган бурчларни сўзсиз бажариш бўйича масъулият олади.

Юқоридагилар билан бир қаторда ходим ташкилот Низомига биноан қуйидагиларни ўз зиммасига олади:

ресурслардан оқилона ва унумли фойдаланиш;

меҳнат меъёрларини бажариш; сидқидилдан, виждонан ва ҳалол меҳнат қилиш; ташкилотда шаклланган қадриятларга сўзсиз бўйсунуш ва бошқалар.

Ходим жавобгарлиги — ходимнинг хизмат мавқеи билан боғлиқ, фаолиятларни ва вазифаларни сифатли ва ўз вақтида бажариш ҳамда уларнинг натижаларини таъминлаш бўйича олган мажбуриятидир.

Маълум даражада етук ходим хизмат вазифаларидан келиб чиқиб, ўзига бириктирилган ҳуқуқлардан самарали фойдаланиш масъулиятини тушуниб етмоқлиги керак. Фермер хўжалигини бошқарувчиси юқоридаги шарт ва амалларни доиммо назоратдан четлатмаслик заруратдир.

2. Фермер хўжаликларида ишчи ва хизматчиларни бошқарувнинг аҳамияти, усуллари ва кўрсаткичлари

Фермер хўжаликларида ишчи ва хизматчи ходимларга бўлган эҳтиёж ва уни кондиритиш манбаларини аниқлаш масаласи фермер хўжаликлар тизими, маҳсулот номенклатураси ва сифати технологияси, ишлаб чиқариш, меҳнат ва бошқаришни ташкил қилишда кутилаётган ўзгаришлар, шунингдек, ички ва ташқи меҳнат бозорларининг ҳолатидан келиб чиқиб, бошқаришнинг таҳлил қилиш ва унинг динамикасини истиқболлаш натижалари асосида ҳал қилинади. Айниқса, баъзилар ишлаб чиқаришни аҳоли учун зарур бўлган маҳсулот ишлаб чиқариш ва корхоналарни хусусийлаштириш билан боғлиқ бўлган персоналдаги ўзгаришларнинг истиқболлари анча долзарбдир. Ходимларнинг талаб қилинаётган сонини аниқлашда керак бўлган йўналтирувчи кучлар ориентир бўлиб, маҳсулот ва бажарилаётган функциянинг сермеҳнатлиги билан ҳисобланади. Бунинг учун шунга мос норматив-меъёрий материаллар, шунингдек, ривожланган мамлакатлар илғор тажрибасининг маълумотларидан кенг фойдаланилади.

Фермер хўжаликлардаги персоналнинг структураси ва сони бошқа шунга тенг шароитларда ишлаб чиқиш воситаларига мулкчиликнинг шакллари ҳамда ходимларнинг хўжалик фаолиятида қатнашиш даражасига кўпроқ боғлиқ. Амалиётда кўрсатадики, кооператив, ҳиссадорлик ёки шахсий мулкчиликка ўтиши бошқару сони қисқартириш ва бошқарув тизимини соддалаштиришга олиб келади. Бунга ходимларнинг янада интенсив меҳнати ва уларнинг фермер хўжаликдаги фойдасидан ўзининг ҳиссасини олишда манфаатдорлигига имкон беради.

Бозор муносабатлари шароитларида бошқарувни шакллантиришда икки муҳим сифат —барқарорлик ва сафарбарликни биргалигига асосланган янги ёндашувни қўллаш мумкин бўлади. Масалан, фермер доимий штатни

етакчи мутахассислар билан чегаралаб, қолган ходимларни керак бўлишига қараб ташқи бозордан жалб қилганда шундай қарор қабул қилиниши мумкин. Вақт-вақти билан даврий ҳолда ишчи ва хизматчи ходимларни алмаштириб турувчи хорижий мамлакат корхоналари тажрибаси бўлиб, ундан Ўзбекистон шароитида ҳам фойдаланиш мумкин. Шу билан принципиал янги, эгилувчан касблар ва лавозимларни шакллантириш тизимига ходимларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва ишлатиш асосида корхонанинг аниқ вазифалари ва ундаги мавжуд инсон ресурсини англаган ҳолда ўтиш учун шароитлар яратилади.

Фермер ишчи ва хизматчи ходимларини ёллаш ва бўшатиш, уларнинг имкониятлари ва фаолият натижаларини баҳолаш, уларнинг сифат даражасини ошириш каби вазифалар ходимларнинг шахсий таркибини шакллантиришга киради.

Жохон молиявий иқтисодий инқирози шароитларида ходимларни ёллаш ва бўшатишнинг табиий шакли ходим ва иш берувчи ўртасидаги битимни ифодаловчи меҳнат шартномаларини (контрактларни) тузиш ва тўхтатишдир. Келишув қуйидагиларни: иш берувчи томонидан белгиланадиган ва ходим томонидан бажаришга қабул қилинадиган ишлар, функциялар, топшириқлар (мажбуриятлар)нинг таркиби ва мазмуни; контрактни бажариш шартлари ва режимлари; ходимни суғурта қилиш ва социал таъминлаш; меҳнатга ҳақ тўлаш ва бошқа тўловларни назарда тутати. Иш берувчининг эҳтиёжлари ва ходимнинг манфаатларини ҳисобга олиб шартномада ходимнинг иш куни ёки ҳафтасининг регламентланган давомийлиги бўйича эмас, балки унинг учун индивидуал (шахсан) белгиланган иш режими ва бўш вақтига мос ҳолда бандлиги кўзда тутилиши мумкин. Шартномада меҳнат функциялари (лавозимлари)нинг мураккаблигини рейтинг усулида ходим ўзини ўзи баҳолаши мақсадга мувофиқдир.

Меҳнат кишисининг имкониятларини баҳолаш профдиагностика йўли билан амалга оширилади, бу ёлланувчининг унга юклаётган меҳнат функцияларига (маълум рейтинг бўйича) мутаносиблик даражасини


белгилаш, меҳнат шартномаларини тузишга имкон беради. Диагностика натижалари бўйича ходимнинг касб олиши ва ўзгартириши ҳамда ихтисослантиришига йўналишларини ишлаб чиқиш мақсадида касбга йўналтириш профориентацияси ўтказилади. Профориентация ёшларга ва аҳолининг бошқа гуруҳларига шахсий сифатлари ва ижтимоий эҳтиёжларига мувофиқ касб ёки фаолият турини танлаш ёки ўзгартиришда ёрдам кўрсатишга қаратилган.

Айниқса, корхона ва фермер хўжаликлардан бўшатилаётган шахсларни ишга жойлаштириш зарурияти билан боғлиқ бўлган профориентация ишлари долзарбдир. Уни корхоналарда банд бўлган ҳамма тоифа (категория) ходимларига, уларнинг малакасини ошириш йўналишини аниқлаш мақсадида тарқатилиши ҳам муҳимдир. Профориентациянинг асосий шакллари қуйидагилар: мактаб, шунингдек, ўрта махсус ва олий ўқув юртларида оммавий ахборот воситалари билан ўқув-тарбия жараёнида амалга оширалаётган профинформация ва профконсултация; ходим томонидан унинг учун янги (шу жумладан, тадбиркорлик билан боғлиқ бўлган) фаолият турини иложи борица тезроқ ва оғриқсиз ўзлаштириши ва меҳнат шароитлари ҳамда социал муҳитга мослаштириши мақсадида ўтказилаётган профтанлаш ва профадаптанланиш (адаптация). Минтақалар доирасида профориентацион ишларини олиб бориш учун аҳолини иш билан таъминлаш, қайта ўқитиш ва профориентацияси бўйича Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг Илмий Маркази томонидан маълум илмий-амалий ишлар олиб борилмоқда. Бошқарув салоҳиятидан фойдаланишни баҳолаш икки мақсадни кўзлайди — ҳар бир ходим фаолиятининг натижаларини яхшилаш, резервларини аниқлаш ва унинг касбий ҳамда шахсий фазилатларидан тўлиқроқ фойдаланиш ва малака даражасини ошириш ҳисобига фермер ишига таъсири; шартнома шартларида кўзда тутилгандек, унинг унумдорлиги ва натижаларига мувофиқ меҳнатга ҳақ тўлашнинг асоси бўлиб хизмат қилиш.

Бошқарувнинг сифат даражасини ошириш ишчилар, мутахассислар ва раҳбарларни фермер хўжаликининг ўзида ҳамда ундан ташқарида — ўрта махсус ва олий ўқув юртларида, янги техника ва дастурий лойиҳаларда иштирок этишни таъминлаш воситаларини кашф қилувчи ва ишлаб чиқарувчи Республика савдо-саноат палаталарда ,касбий ва ҳуқуқий билимларини ошириш ва ИТИларда (илмий тадқиқот институтларида) ўқитишнинг турли шакллари қўллаб амалга оширилади. Бу борада Тошкент Давлат иқтисодиёт университети қошидаги малака ошириш институтининг фаолияти,нодавлат нотижорат ташкилотлари мисол бўла олади. Турли меҳнат функцияларни бирга бажара оладиган (меҳнатни тор тақсимлаш тажрибасидан фарқ қилиб) ва жамоа, бўлинма ва бутун корхонанинг хўжалик фаолияти натижаларини яхшилашда манфаатдор бўлган, янада кенг профилли ходимни шакллантириш курси корхона бошқарувнинг доимий амал қилувчи касбий ва иқтисодий ўқиш тизимини яратишини талаб қилади. Бу тизимда ҳар бир ходимни индивидуал ўқишининг турли шакллари турли касб ва лавозимдаги ходимларнинг ўзаро алоқаларини ишлаб чиқишга қаратилган гуруҳли ўқитиш билан бирга олиб борилади. Ходимлар билан ишлашнинг тезкор режасини ишлаб чиқиш учун махсус ишлаб чиқилган анкеталар ёрдамида қуйидаги ахборотларни тўплаш зарур:

- Ходимларнинг доимий таркиби тўғрисидаги маълумотлар (исми, отасининг исми, фамилияси, турув жойи, ёши, ишга кирган вақти ва ҳоказолар).
- Ходимларнинг тузилиши тўғрисидаги маълумотлар (малакаси, жинси, ёши, миллати; ногиронлар, ишчилар, хизматчилар, малакали ишчилар ва шу кабиларнинг салмоғи);
- кадрлар қўнимсизлиги;
- бекор туриб қолишлар, касаллик натижасида вақтнинг бекор сарф бўлиши;

- иш кунининг давом этиши ҳақидаги маълумотлар (тўлиқ ёки қисман банд бўлганлар, бир сменада, бир неча сменада ёхуд тунги сменада ишловчилар), меҳнат таътилларининг қанча давом этиши;
- ишчи ва хизматчиларнинг иш ҳақи (унинг тузилиши, қўшимча иш ҳақи, устамалар, тариф бўйича ва тарифдан ташқари тўловлар).



1-чизма. Ходим тўғрисидаги маълумотларнинг тузилиши.

Ходимларни Персонални жалб қилишни режалаштиришнинг вазифаси ички ва ташқи манбалар ҳисобига келажакда кадрларга бўлган эҳтиёжни қондиришдан иборат.

Фермер хжаликларидаги ходимлар билан ишлаш муаммоларидан бири кадрларни жалб қилиш пайтидаги меҳнатга кўникишни бошқаришдир. Шу билан бирга ходимларининг меҳнатга кизикишини кучайтириш мативини ошириш жуда долзарб муаммоларидан бири эканлиги мавзудаги хужаликни вазифасидир.

Фермер хўжаликларининг тўла мулкый ва молиявий мустақиллигини таъминлайдиган

хамда ижарага берилган ер участкаларидан мақсадли, оқилона ва самарали фойдаланишни рағбатлантирадиган ҳуқуқий шарт-шароитлар ва кафолатлар яратиш уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини тўлақонли ҳимоя қилиш уларни эркин фаолиятига тўғанок бўлаётган ҳатти-ҳаракатларга чек қўйиш давлат зиммасида ва кафолатидадир. Шунинг учун давлат қишлоқ хўжаликларининг ҳуқуқларига риоя этилишининг ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини кафолатлайди. Давлат органлари фермер хўжалигини ривожлантириш ва мустахкамлашга кўмаклашмоқда.

М.Бакетт фермер хўжалигини ташкил этиш ва уни бошқариш масалаларини ҳар томонлама кенг таҳлил этиб, қишлоқ хўжалигида хусусий тадбиркорликнинг бу шаклини самарали эканлигини асослайди. (Фермер хўжалигини ташкил этиш ва бошқариш. Дарслик. - Т.: Мехнат. 1998)

М.Шарифхўжаев, Ё.Абдуллаевлар бошқариш тизимини такомиллаштириш масалаларини таҳлил қилиб уни натижаси самарадорликда ўз аксини топишини асослашган. (Менежмент. Тошкент. Ўқитувчи. 2001 й).

Бошқариш тизими – бир-бири билан чамбарчас боғланган ва бир - бирини тақозо қиладиган бошқариш унсурларининг мажмуасидир. Бошқариш тизимининг оддий, мураккаб ва кўп поғонали турлари мавжуд (А.Жабриев, Н.Зугуров. Менежмент. – Самарқанд: 2001)

Бошқарув усуллари – бу ходимларга ва умуман ишлаб чиқариш жамоаларига таъсир кўрсатиш усуллари бўлиб, бу усуллар қўйилган мақсадларга эришиш жараёнида мазкур ходимлар ва жамоаларнинг фаолиятини уйғунлаштириш назарда тутади. Бошқариш услублари иқтисодий, маъмурий-ташкилий, ижтимоий психологик услублардан ташкил топади. Бошқариш услублари тизимида иқтисодий услублар марказий ҳисобланади, чунки мазкур услублар иқтисодий муносабатларда субъектларнинг иқтисодий манфаатларига асосланган ҳолда иқтисодий қонунлар талабини қондиради. Уларнинг роли бозор иқтисодиёти шароитида янада ошди. Уларнинг таркибига: тижорат ҳисоби, нархнинг шаклланиши, молиялаштириш, кредит, иқтисодий меъёрлар ва бошқалар киради. Иқтисодий услублар меъёрлар, моддий рағбатлантириш каби унсурлар орқали амалга оширилади. Бироқ, бошқаришда ижтимоий, демографик ва бошқа шу каби объектив қонунлар талабини эътиборга олиш зарур.

Маъмурий услублар иқтисодий услублардан фарқ қилиб, субъектга бевосита буйруқ-фармойиш асосида таъсир ўтказишга асосланади. Улар қуйидаги шаклларда амалга ошади:

тўғридан-тўғри бўлган маъмурий кўрсатмалар, ходимлар фаолиятини тартибга солувчи қоидалар, маъмурий таъсир ўтказишнинг андоза (стандарт) шакллари (М.Шарифхўжаев, Ё.Абдуллаев. Менежмент. – Т.:2001).

Бошқариш ўз моҳиятига кўра ижтимоий маълумотга эгадир. Шунга кўра бошқаришнинг ижтимоий психологик услублари муҳим роль ўйнайди. Бу хўжалик тизимларининг фаолият кўрсатиши ва ривожланишидаги ижтимоий омилларининг аҳамияти билан белгиланади. Иқтисодийнинг макро даражасидан тортиб хусусий мулкчиликка асосланган кичик корхоналар ҳам ишлаб чиқариш жараёнларида намоён бўладиган ижтимоий муносабатларга асосланадиган техник иқтисодий ёки ишлаб чиқариш тизими ҳисобланади. Ижтимоий-психологик усулларга меҳнат жамоасининг, ходимларнинг шахсий сифатлари ёки қобилияти, психологик ва бошқа хислатларни шакллантириш услублари киради.

Бошқаришнинг иқтисодий усуллари кишиларга иқтисодий манфаатларидан фойдаланишга асосланади. Зеро, ҳар бир муайян жамиятнинг иқтисодий муносабатлари, энг аввало манфаатларда намоён бўлади. манфаатлар уч хил бўлади:

- Умумжамият манфаатлари;
- Жамоа манфаатлари;
- Шахсий манфаатлар.

Бу манфаатларни уйғун суръатда боғлаб олиб бориш муаммоси бир қатор муаммоси бир қатор вазифаларларни ҳал қилишни, ҳар бир давр шароитларига мувофиқ келадиган муносабатларни ўрнатишни талаб қилади.

Иқтисодий бошқарув усуллариининг асосий вазифаси ишлаб чиқариладиган маҳсулот (хизмат) бирлигига сарфланадиган харажатни камайтиришга имкон берувчи хўжалик механизмларининг янги усуллариини, шунингдек, манфаатдорлик мухитини вужудга келтиришдир.

Бошқаришнинг иқтисодий усуллари ва уларнинг шакллари жумласига: кредит фоиз ставкаси; солиқ ва солиқ юки; бож тўловлари; субсидия ва санкция; лицензия; трансферт тўловлари; нарх-наво ва хоказолар киради.

Яъни хўжалик фаолиятига таъсир этишнинг ҳар бир жамоа мос хўжалик бўғини билан узвий алоқада амал қилиниши таъминловчи тадбирлардан иборат.

Фермер хўжалигини бошқариш жараёнининг самарадорлиги охир оқибат унинг иқтисодий самарадорлигида акс этади. Бошқариш жараёни фермер хўжалигининг нафақат

ишчи ҳодимларидан, балки барча турдаги моддий техника ресурслари – уруғлик, минерал ўғитлар, ёқилғи-мойлаш материаллари, қишлоқ хўжалик техникаларидан оқилона фойдаланишни назарда тутади.

Иқтисодий самарадорлик – бу бир сўмлик сарф харажат эвазига қанча сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилганини ўзида ифода этади. Демак ишлаб чиқарилган маҳсулотни сотишдан келган фойдани уни етиштириш учун сарфланадиган харажатларга нисбати билан аниқланади.

Ислохотларнинг ҳозирги босқичида, эркин нархлар амал қилувчи бозор иқтисодиётида моддий–техника ресурсларининг нархлари ва ўз навбатида бугдой ишлаб чиқариш харажатлари объектив тарзда ўсиб боришини келтириб чиқаради.

Шахрихон туманидаги Шахрихон баракаси фермер хўжалигида бугдой етиштиришнинг иқтисодий самарадорлиги. 8- жадвал.

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2010 й.	2011й.	2012й	2012 йилда 2010 йилга нисбатан %
1	Экин майдони	га	20.8	20.8	19.8	95.1
2	Ҳосилдорлик	ц\га	60	60	60	100
3	Ялпи ҳосил	ц	1248.0	1248.0	1888	151.6
4	Ишлаб чиқариш харажатлари Шундан: иш ҳақи	м.с м.с	21448,1 857.9	26428,9 1481	32705,6 3027.1	152,5 352.8
5	Ҳодимлар сони	нафар	6	3	11	183,3
6	Ялпи маҳсулот	м.с	28505,6	37058,1	45859,2	160,9
7	Фойда	м.с	7057,4	10629,2	13153,5	186,4
8	1 центнер бугдойни Таннархи	сўм	17186	21177	27530	160,2
9	1 центнер бугдойни сотиш баҳоси	сўм	22841	29694	38602	169,0

10	1 гектар ҳисобига: а) ялпи маҳсулоти	м.с.	1370,5	1781,6	2316,1	169,0
11	1 ҳодим ҳисобига: а) ялпи маҳсулот б)иш хақи	м.с м.с.	3111,7 142.9	30155 493.7	3610 275.2	116,0 192.5
13	Рентабеллик	%	32,9	40,8	40,2	7,3

8-жадвалда Шаҳрихон туманидаги Шаҳрихон баракаси фермер хўжалигининг ғаллачилик тармоғида иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари келтирилган. Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, таҳлил этилаётган 2010-2012 йилларда бир қатор ижобий натижаларга эришилган. Жумладан, экин майдони 2010 йилга нисбатан ўзгармаган бўлсада, буғдой ялпи ҳосили 160.9% ни ташкил этган.

Шаҳрихон баракаси фермер хўжалигида буғдой ишлаб чиқариш ҳаражатлари 2010 йилдаги 21448,1 минг сўмдан 2012 йилда 32705,6 минг сўмга етган ёки 52.5 фоизга ортган. Хозирги мураккаб ўтиш шароитида буғдой етиштириш учун талаб қилинадиган моддий-техника ресурсларининг нархлари ортиб бориши объектив жараён бўлганлиги учун ишлаб чиқариш ҳаражатлари ортиб бормокда. Ушбу ҳолат албатта биз таҳлил қилаётган фермер хўжалигига ҳам тааллуқлидир. Бошқарув жараёни тўғри йўлга қўйилган Шаҳрихон баракаси фермер хўжалигида ялпи маҳсулотни ишлаб чиқариш ҳаражатларидан устун даражада ўстиришга эришилган. Буғдой ялпи маҳсулоти ҳажми 2010 йилдаги 28505,6 минг сўмдан 2012 йилда 45859,2 минг сўмга етган ёки 60.9%га ортган. Бунинг асосий омиллари сифатида ҳосилдорликнинг 60 ц/га бир хил ҳолатда ушлаб туриш , 1 ц буғдойнинг сотиш баҳоси 22841сўмдан 38602сўмгача ортишини кўрсатиш мумкин.

Ғаллачилик тармоғидаги ялпи маҳсулот ҳажмидан ишлаб чиқариш ҳаражатларини айириб ташлаш натижасида фермер хўжалигининг фойдаси ҳисобланади. Шаҳрихон баракаси фермер хўжалигида ғаллачиликдаги фойда 7057,4минг сўмдан 13153,5 минг сўмгача ёки 86.4 фоизга ортган.

Асл моҳиятини олиб қаралганда фермер хўжалиги аъзолари асосан ўз оила аъзолари бўлганлиги учун ишлаб чиқариш харажатлари таркибидаги иш ҳақи фермер хўжалигининг ўзида қолади, деб айтиш мумкин. Фермер хўжалигининг ердан фойдаланиш бўйича иқтисодий самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлари ҳам анча яхшиланган. Жумладан 1 гектар буғдой экилган майдонга тўғри келувчи ялпи маҳсулот ҳажми 2010 йилдаги 1370,5 минг сўмдан 2012 йилда 2316,1 минг сўмга етган ёки 69.0 %га ортган.

Маълумки, ғаллачиликда пахтачиликдагига қараганда анча кам меҳнат сарфи талаб этилади. Шунинг учун хўжаликдаги мавжуд 27 нафар ходимнинг 11 нафаригина ёки 41.0 фоизи буғдой етиштиришдаги агротехник тадбирларни амалга ошириш учун жалб қилинган. Шаҳрихон баракаси фермер хўжалигида ғаллачиликда сарфланган меҳнат сарфи 32613.1 киши-соатни ташкил этган.

Шаҳрихон баракаси фермер хўжалигининг ғаллачилик тармоғида ишлаш учун жалб этилган 11 нафар ишчининг ўртача ҳар бирига тўғри келувчи ялпи маҳсулот ҳажми 2010 йилдаги 142.9 минг сўмдан 2012 йилда 275.2 минг сўмга етган ёки 92.5% га ортган.

Юқоридаги барча кўрсаткичларни умумлаштирган ҳолда ғаллачиликда якуний иқтисодий самарадорлик кўрсаткичи бўлган рентабелликни аниқлаш мумкин. Фермер хўжалигининг ғаллачиликдан олган фойдасини жами ишлаб чиқариш харажатларига нисбатини фоиз ҳисобида олиш натижасида рентабеллик даражаси 2010 йилдаги 32.9% даражадан 2012 йилда 40.2% га етган.

Бу кўрсаткичнинг яхшиланиши сабаби юқорида таъкидланганидек, ялпи маҳсулот ҳажмини ишлаб чиқариш харажатларига нисбатан устун даражада ўсиши ҳисобланади. Аммо бу ҳали кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш жараёнини таъминлай олмайди. Ҳозирги шароитда оптимал рентабеллик бўлган 50-55%ли рентабеллик даражасига эришиш учун ҳали имкониятлар мавжуд.

Хўжаликнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлашда асосий

омиллардан бири ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобланади. Маҳсулот бирлигига тўғри келувчи ишлаб чиқариш харажатлари қанча кам бўлса, самарадорлик шунча юқори бўлади.

Бозор иқтисодиётига ўтишнинг ҳозирги босқичида ишлаб чиқариш харажатларининг мунтазам ортиб бориши қонуниятли жараёндир. Шахрихон баракаси фермер хўжалигида буғдой етиштириш учун сарфланган харажатларни 10-жадвал ёрдамида кўриб чиқамиз.

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, ишлаб чиқариш харажатларининг салмоқли қисмини моддий харажатлар эгаллайди ва 2010-2012 йилларда мос ҳолда 65.1 ва 64.8 фоизни ташкил қилган. Моддий харажатлар улушининг бундай юқори бўлиши албатта ижобий самарадорликка эришишни таъминлайди. Моддий харажатлар таркибига эса, маълумки, бевосита ҳосилдорликка таъсир этувчи уруғлик, минерал ўғитлар, ёқилғи, иш ва техник хизматлар, ўсимликларни зараркунандалардан ҳимоя қилиш каби харажатлар киради ҳамда бевосита ялпи ҳосилнинг ўсишига хизмат қилади.

Моддий харажатлар таркибидаги уруғлик учун харажатлар 2010 йилда 2488,0 минг сўм, 2012 йилда 5887,0 минг сўмни ташкил қилиб, мос даврлардаги умумий харажатларда 17.8-18.0 фоизни ташкил қилган.

Шахрихон туманидаги Шахрихон баракаси фермер хўжалигида буғдой етиштириш харажатлари ва уларнинг таркиби 10-жадвал

№	Харажатлар тури	2010 й		2011 й		2012 й	
		минг сўм	%	минг сўм	%	минг сўм	%
1	Моддий харажатлар	13962,7	65,1	17390,2	65,8	21193,3	64,8
	а) уруғлик	2488,0	11,6	3171,5	12	3826,6	11,7
	б) ўғитлар	3817,8	17,8	4598,6	17,4	5887,0	18
	в) ёқилғи-мойлаш материаллари	2530,9	11,8	3224,3	12,2	3793,9	11,6
	г) иш ва хизматлар	3989,4	18,6	4862,9	18,4	5919,7	18,1
	д) бошка моддий	1136,8	5,3	1532,9	5,8	1766,1	5,4

	харажатлар						
2	Меҳнат ҳақи харажатлари	4675,7	21,8	5312,2	20,1	6933,6	21,2
3	Ижтимоий ажратмалар	1479,9	6,9	1797,2	6,8	2125,9	6,5
4	Асосий воситалар ва номоддий активларни эскириши	493,3	2,3	634,3	2,4	883,1	2,7
5	Бошқа харажатлар	836,5	3,9	1295,0	4,9	1569,9	4,8
	Жами	21448,1	100	26428,9	100	32705,6	100

Нефт базаси билан ёқилғи-мойлаш материаллари етказиб бериш бўйича шартнома тузилган. Қишлоқ хўжалигида буғдой етиштириш жараёнида ерни экишга тайёрлаш, экиш, ўғитлаш, ҳосилни ўриб-йиғиб олиш каби кўрсатиладиган техник хизматлар учун маълум миқдорда ёқилғи сарфланади. Моддий харажатлар таркибида ёқилғи учун сарфланган харажатлар 2010 йилда 2530,9 минг сўмдан 2012 йилда 3793,9 минг сўмга етган. Ёқилғи-мойлаш материалларининг жами буғдой етиштириш харажатларидаги салмоғи таҳлил даврида 11.8-11.6 фоизни ташкил этган.

Меҳнат ҳақи харажатлари ҳам жами ишлаб чиқариш харажатларининг 21.2фоизи атрофида сақланиб турибди. Хўжаликдаги ишчиларни моддий жиҳатдан яхши таъминлаш, албатта меҳнат натижаларидан манфаатдорликни оширади. Шу сабабли хўжаликда таҳлил даврида жами 4675,7 минг сўм ва 6933,6 минг сўм иш ҳақига ажратилган.Шахрихон баракаси фермер хўжалигида иш ҳақи фондидан ижтимоий ажратмалар ўтказиб борилган. Фермер хўжаликларининг молиявий ҳолатини яхшилаш мақсадида 2010 йилдан бошлаб 24% ажратилган бўлиб, 1673,5 минг сўмдан 1975 минг сўмгача ошган.

Шахрихон баракаси фермер хўжалигида буғдой етиштириш харажатлари барча элементлари бўйича 2010 йилга нисбатан кескин ўсган бўлсада, ялпи маҳсулотнинг ундан юқорирок даражада ошиши ҳисобига юқори рентабеллик даражасига эришилган. Жами ишлаб чиқариш

ҳаражатларини етиштирилган ялпи ҳосил миқдорида бўлиш натижасида бир центнер буғдой ҳосилининг таннарни келиб чиқади. Шахрихон баракаси фермер хўжалигида бир центнер буғдой таннарни кўрсаткичи 2010 йилда 17186 сўм ва 2012 йилда 38602 сўм миқдорида тўғри келади.

Мазкур ҳолат Шахрихон баракаси фермер хўжалигида бошқарувнинг тўғри йўлга қўйилганлиги ҳисобига барча ишлаб чиқариш ҳаражатларини тўғри режалаштирилган ҳолда оқилона сарфланганлигини ва шунинг натижасида ижобий 40.2% лик рентабелликка эришганлигини кўрсатади.

Ўз-ўзидан маълумки, пахта етиштириш ҳаражатларини камайтириш иқтисодий самарадорликни ошишини таъминлайди. Бошқарув самарадорлигини пахтачилик тармоғи мисолида кўрамиз. Шахрихон баракаси фермер хўжалигини Шахрихон туманидаги пахта етиштиришдаги ўртача иқтисодий кўрсаткичлар билан таққослама таҳлил қиламиз

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, Шахрихон баракаси фермер хўжалигида 1 ц пахта етиштириш таннарни Шахрихон туманидаги ўртача кўрсаткичга нисбатан 80.3%ни ташкил этган. Ҳосилдорлик даражаси бир оз баланд 36.2 ц/га ни ва туманга нисбатан 96.0%ни ташкил этмоқда. Шу билан бирга 1 ц пахтани сотиш баҳоси тумандаги ўртача кўрсаткичдан юқори бўлиб, 225.2% ни ташкил этган. Рентабеллик даражаси эса туманда 14.9% бўлган бир вақтда Шахрихон баракаси фермер хўжалигида 28.8% ни ташкил этмоқда.

Пахтачилик маҳсулотлари етиштиришни ривожлантириш, унинг самарадорлигини юксалтириш мақсадида хўжаликларда фаолият кўрсатаётган барча аъзоларнинг ишлаб чиқаришга бўлган муносабатларини бозор талаблари асосида тубдан ўзгартириш лозим. Яъни, улар маҳсулот етиштириш, йиғиштириб олиш, сақлаш ва сотиш билан боғлиқ бўлган муносабатларни вақтида, оқилона амалга оширишга алоҳида эътибор беришлари керак.

Ҳозирги бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида ишлаб чиқариш

харажатларининг ортиб бориши қонуниятли жараёндир. Ҳаттоки экин майдони ўзгармаган тақдирда ҳам аввалги йилга нисбатан кўпроқ харажат сарфланади. Қайсидир турдаги ишлаб чиқариш харажатларини қисқартириш эса агротехника тадбирларининг бузилишига олиб келиши мумкин. Аммо ялпи маҳсулот ҳажмини ишлаб чиқариш харажатларига нисбатан устун даражада ўстириш ҳисобига бир бирлик маҳсулот таннархини пасайтириш мумкин. Шахрихон баракаси фермер хўжалигининг бундан кейинги ривожланиш босқичларида ҳам ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш йўналишидаги режаларда асосий эътибор ялпи маҳсулот ҳажмини устун даражада ошириб боришга қаратилиши керак.

Шахрихон туманидаги Шахрихон баракаси фермер хўжалигини 2012 йилда туманнинг ўртача кўрсаткичлари асосида пахта етиштиришнинг солиштирма иқтисодий кўрсаткичлари 11-жадвал

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Шахрихон тумани фермер 2012йил	Шахрихон баракаси фермер хўжалиги 2012йил	ўртачага нисбатан %
1	Экин майдони	га	7943	29,3	X
2	Хосилдорлик	ц\га	37,7	36,2	96,0
3	Ялпи хосил	ц	299451,1	1060,66	X
4	Ишлаб чиқариш харажатлари	минг сўм	20817000,0	73724,4	X
5	Шундан: иш хаки	минг сўм	5828800	21378,8	X
6	1ц пахтани таннархи	сўм	69508	69508	100,0
7	1ц пахтани сотиш бахоси	сўм	79900	89523	112,0
8	Ялпи маҳсулот	минг сўм	23926142,9	94953,5	X
9	Фойда	минг сўм	3109142,9	21229,1	X
10	1 га хисобига а)ялпи маҳсулот	минг сўм	3012,2	3240,7	107,6

11	б) фойда	м.с	391,4	724,543	185,1
12	Рентабеллик	%	14,9	28,8	13,9

5 Шахрихон баракаси фермер хўжалигида ишчи ва хизматчи ходимларни бошқарув ни такомиллаштириш ва иқтисодий самарадорлигини ошириш

Кишлоқ хўжалигида бир неча босқичдан иборат бўлган иқтисодий ислохотлар натижасида фермер хўжаликлари кишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш учун энг мақбул хўжалик юритиш шакли сифатида танлаб олинди. Фермер хўжалиги кишлоқ хўжалигидаги хусусий мулкдорларнинг қалдирғочлари бўлиб, ерни узоқ муддатли ижарага олган ҳолда давлат эхтиёжлари учун пахта ва ғалла етиштириш билан шуғуullanмоқдалар. Ҳозирги кунда республика бўйича 66 мингдан зиёд фермер хўжаликларида 2.0 млн кишидан ортиқ иш билан банд ҳисобланади.

Фермер хўжалигининг мваффақиятли фаолияти бошқарув тизимининг тўғри йўлга қўйилишига бевосита боғлиқ. Бошқаришнинг ташкилий тузилмаси, хўжаликда бошқариш бўйича турли хил функцияларни бажарадиган ташкилий бўғин ва бўлинмаларнинг таркиби ҳамда уларнинг ўзаро тобеълик равишда боғланишидир.

Бошқариш тизимининг тузилмаси тизим унсурларининг ташкилий услублари ва ўзаро таъсирларини эътироф этади, шу билан бирга тизим элементлари ўртасида юзага келадиган жараёнларнинг муайян тавсифини белгилайди. Тузилма фермер хўжалигининг боғловчи бўғини ҳисобланади ва у режалаштириш шаклларига, ишларни тақсимлашга таъсир этади, шунингдек, ҳар бир бўлинмалар бажарган ишининг унумдорлигини текширишни ташкил этишга имкон яратади. Шу билан бирга тузилма бошқариш технологиясига, бошқаришда техник воситалардан фойдаланиш услубларига ўз таъсирини кўрсатади.

Фермер хўжалигида бошқарув тизимининг самарадорлиги охир-оқибат хўжаликнинг иқтисодий самарадорлигига бориб тақалади. Шу нуқтаи назардан бошқарув тизимининг таҳлилини асосан фермер хўжалигининг

иқтисодий самарадорлиги кўрсаткичларига таяниб амалга ошириш зарур деб ҳисоблаймиз.

Иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш шароитида фермер хўжалигининг иқтисодий самарадорлиги бир нечта кўрсаткичлар ёрдамида аниқланади. Бунинг учун ялпи маҳсулот, ишлаб чиқариш ҳаражатлари ва хўжалик фаолияти натижасида олинган фойда асос бўлади. Рентабеллик даражасини фойданинг ишлаб чиқариш ҳаражатларига нисбати орқали топилишини инобатга оладиган бўлсак, равшан бўладики, фойданинг даражаси юқори ва ҳаражатларнинг нисбатан паст даражада бўлиши талаб этилади.

Қишлоқ хўжалиги экинлари етиштириш учун илмий асосланган агротехника чора-тадбирлари ишлаб чиқилган ва амалиётга тавсия этилган. Унга кўра ўз муддатларида тупроқни экишга тайёрлаш, экиш, ўғитлаш, суғориш, зараркунандалардан ҳимоя қилиш зарур бўлади. Бундан ташқари иш ҳақи, ижтимоий ажратмалар, амортизация фондида тўловлар ҳам мавжуд. Буларнинг барча маълум даражадаги ҳаражатларни талаб қилади.

Ислохотларнинг ҳозирги босқичида, эркин нархлар амал қилувчи бозор иқтисодиётида моддий –техника ресурсларининг нархлари ва ўз навбатида буғдой ишлаб чиқариш ҳаражатлари объектив тарзда ўсиб боришини келтириб чиқаради.

Шахрихон туманидаги Шахрихон баракаси фермер хўжалигида пахта ва буғдой етиштириш ҳаражатлари асосан меъёр даражасида сарфланган бўлиб, унинг таркиби ва салмоғини ўзгартириш юқорида баён этилган илмий асосланган агротехниканинг бузилишига ва ҳосилдорлик ҳамда ялпи ҳосил кўрсаткичларининг ёмонлашиб, пасайишига олиб келади. Бундан келиб чиқадики, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш учун ички имкониятларни ишга солиш талаб этилади.

Аввало хўжалик жойлашган ҳудуддаги тупроқ бонитет балига мос ҳолдаги буғдой ҳосилдорлиги даражасига эришиш керак. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришидаги механизиялашган ишлар учун сарфланаётган

харажатларни қискартириш учун лизинг асосида ҳайдов трактори олиш керак. Хўжалик ходимларининг манфаатдорлигини ошириш натижасида ҳам буғдой етиштириш даражаси анча ортади. Бунинг учун олинган буғдой ҳосилидан иш ҳақи сифатида янада кўпроқ миқдорда тарқатилиши керак.

Шахрихон баракаси фермер хўжалигини ўз Низоми асосида тузилган бизнес-режасига мос ҳолда амалга оширилмоқда. Фермер хўжалигини бошқариш самардорлиги кўп жиҳатдан уни бошлиғини қишлоқ хўжалиги ва иқтисодий билимлар бўйича назарий ва амалий тайёргарлигига, ҳамда ўз билимини амалда қўллай олишига боғлиқдир. Шунинг учун ҳам фермер хўжалигини бошлиғи иқтисодий, бошқарув, ҳуқуқий, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши бўйича етарли тайёргарликка эга бўлиши керак.

Шахрихон баракаси фермер хўжалигининг бошлиғи узоқ йиллар давомида қишлоқ хўжалигида деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланиб, етарлича тажриба тўплаган. Фермер хўжалигининг кўп аъзолари хўжалик бошлиғининг яқин қариндош-уруғлари ҳисобланади. Шунинг учун ҳам хўжаликда ишлаб чиқариш, молявий бошқариш ва моддий рағбатлантириш масалаларида қарорлар қабул қилинганди ҳеч қандай келишмовчиликлар ва тортишувларга ўрни қолмайди. Сабаби фермер хўжалигши оилавий асосда ташкил этилгани учун қариндош-уруғчилик алоқалари барча келишмовчиликларни бартараф этиб туради. Бу фермер хўжалигининг энг муҳим афзалликларидан биридир.

Фермер хўжалигдаги агротехник тадбирларни ўз вақтида ва сифатли амалга оширишда сувчи, механизатор ва агроном каби малакали ходимларга эҳтиёжи бор. Сабаби кўплаб ходимлар махсус тайёргарликка эга эмас. Натижада хўжалик четдан шартнома асосида 5 та малакали ходимларни жалб этган.

Шахрихон баракаси фермер хўжалигида ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш бир қатор ўзига хос хусусиятларга эгадир. Улар жумласига қуйидагиларни киритиш мумкин.

Шахрихон баракаси фермер хўжалигини аъзоларини қишлоқ хўжалик

маҳсулотларини етиштириш жараёни бўйича касбий тайёргарлигини ошириш зарур.

Ҳозирги кунда фермер хўжаликни аъзоларидан 2 таси олий маълумотга эга ва қолганлари ҳамда шартнома асосида ишлайдиганларни қишлоқ хўжалигида тажрибаси кам. Шунинг учун фермер хўжалиги аъзоларини касбий билимларини ошириб бориш зарур.

Фермер хўжалиги ташкил қилишдан мақсад қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришдан юқори даромад олиш, маҳсулот таннархини пасайтириш ва охир оқибат иқтисодий самарадорликка эришиш бўлади. Бунинг учун эса ҳозирги кунда фермер хўжаликларида бозор иқтисодиётига тўла мос келадиган бошқарув тизимини шакллантириш керак. Бундай шароитда бошқарувдан мақсад – бозор учун кўпроқ, сифатлироқ, ва харидоргир маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш тизимини яратишдир. Бошқарувнинг мақсадидан унинг асосий вазифаси ҳам келиб чиқади. Бошқарув вазифаларини амалга ошириш учун муайян бошқарув органлари тузилади. Бу органлар юқоридан қуйига қараб бошқарилади ва қуйидан юқорига қараб бўйсунди.

Фермер хўжалик юритиш ва тадбиркорликнинг илғор шаклларида ҳисобланиб, ўз фаолиятини ижарага берилган ерда мавжуд қонунлар асосида амалга оширади. Мустақил равишда бошқа юридик шахслар билан шартномалар тузади, маҳсулотнинг баҳосини белгилайди, солиқ тўланадиган даромадга эга бўлади. Бошқа шахслар мулкларини ва маблағларини шартномалар асосида ижарага олади ва фойдаланади. Хўжалик юритишнинг бундай шаклини энг асосий афзаллиги ушндаки, мулкдор, тадбиркор ва хизматчи битта шахс тимсолида бўлади. Шунинг учун ҳам ишлаб чиқариш натижаларига манфаатдорлик ва масъулият кескин ортади. Фермер маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнида ўз-ўзини бошқаради ва назорат қилади. Яъни бошқариш ва бажариш вазифалари бир киши қўлида бўлади. Бу ҳол оддий деҳқоннинг яратувчанлик имкониятларини тўлароқ намоён этиш ва оширишга кенг йўл очади. Фермер бу ташкилот хўжалигидаги меҳнат

низоларини қатъият билан ҳал қилади. Бу ерда муносабатлар меҳнат конунчилигига ва ахлоқий меъёрларга асосланади. Юқоридагиларга асосланиб, шундай хулосага келиш мумкинки, фермер хўжалиги бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқаришдаги муаммоларни осон ҳал қилиш, истиқболли ривожланиш учун барқарор имкониятларга эга бўлиб, мазкур масалалар эса хўжаликни муваффақиятли бошқарувини ташкил этиш асосида амалга оширилади.

Бошқаришнинг ташкилий тузилмаси фермер хўжалигидаги мазкур тизимнинг расмий ва норасмий жиҳатларининг уйғунлашувини характерлайди. Расмий тузилма деганда юқори бўғин, яъни фермер раҳбарлигининг йўриқномалари, буйруқлар ва фармойишлари асосида ўрнатилган тузилма тушунилади. Норасмий тузилмалар эса хўжалик аъзоларининг ўзаро оилавий муносабатларида қарашлар бирлиги ёки зидлиги, содиқлиги ва ҳоказолари асосида шаклланади.

Бошқариш тузилмаларининг асосий унсурлари - бошқариш алоқалари ва органлари ҳисобланиб, улар иерархия (тобеълик) бўйича юқори, ўрта ва қуйи бўғин органлари каби тартибланади. Шаҳрихон баракаси фермер хўжалигидаги юқори бўғин – фермер хўжалиги бошлиғининг ўзи; ўрта бўғин – иш юритувчи, асосан агротехника яхши тушунадиган ва унинг тўғри бажарилишини назорат қилиб таъминлаб борадиган агроном; қуйи бўғин – ишчилар, сувчилар, тракторчилар ҳисобланади.

Бошқариш тузилмаларида алоқалар вертикал ва горизонтал тарзда амалга ошади: вертикал алоқаларнинг ўрнатилиши бошқарувчи ва бошқарилувчи бўғинлар ўртасидаги муносабатларни ифода этади; горизонтал алоқалар эса бир хил даражали бўғинлар ўртасидаги муносабатларни акс эттиради.

Чизиқли тузилмаларга бошқариш идорасидаги битта юқори ва кўпгина қуйи бўлинмалар киради. Шаҳрихон баракаси фермер хўжалигида барча тегишли масалалар битта алоқа канали орқали ҳал этилади. Ҳал этилиши лозим бўлган муаммо унча мураккаб бўлмаса ва даражалар

ўртасида оддий ҳал этиладиган бўлса, чизиқли тузилманинг самараси катта бўлади. Ходимлар фақат битта бошлиққа бўйсундилар, шунинг учун бошлиқ ҳамма нарсадан хабардор бўлиши лозим.

Функционал тузилманинг ўзига хос томонлари марказлашув, персоналнинг озчилиги, маҳсулот ассортиментининг камлиги ва бир жойда тўпланганлиги билан характерланади. Функционал тузилманинг қулайлиги раҳбарнинг тўла ҳокимиятга эга бўлишлиги, мақсадга йўналганлиги, турдош бўғинлар билан яқин алоқада бўлишлик, бошқариш аппаратини кенгайтиришга эҳтиёжнинг йўқлиги, ички ихтилофларнинг барҳам топиши билан эътироф этилади.

Пахта ва буғдой етиштиришнинг агротехник талабларига амал қилган ҳолда ишлаб чиқаришни ташкил этиш зарурияти объектив қонуният асосида ўсиб борадиган ишлаб чиқариш ҳаражатларини сарфлашни тақозо этади. Шундай экан, ишлаб чиқариладиган ялпи маҳсулот миқдорини ҳаражатлардан юқорироқ даражада ўсиб боришига эришиш фермер хўжалигининг иқтисодий самарадорлигини ошириб боришнинг асосий омилидир.

Маҳсулот етиштириш самарадорлигини юксалтириш учун ишлаб чиқариш ва бошқариш ҳаражатлари тежалишини таъминлайдиган ишларни, тадбирларни оқилона амалга ошириш зарур. Бунинг учун меҳнатни оқилона ташкил этиш, ишлаб чиқариш, ҳосилни йиғиштириб олиш, сақлаш жараёнларини механизациялаштириш, ишлаб чиқариш воситаларидан тўлиқ ва самарали фойдаланиш, янги техника, илғор технологияларни жорий этиш, ишчи-хизматчилар моддий ва маънавий рағбатлантирилишини изчиллик билан амалга ошириш керак.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Мамлакатимиз иқтисодиётининг бозор муносабатларига ўтиши ўз навбатида корхона ва ташкилотларнинг техника технологияларни такомиллаштишни талаб этади. Хозирги кунда фермер хўжаликларини ривожлантириш дастурида таъкидлаганидек мавжуд техника ва технологиялардан ҳамда ресурслардан оқилона фойдаланишни йулга қуйиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Чунки хўжаликларнинг самарали ишлашини малакали раҳбар ходимлар, ҳамда юқори технология таъминлайди. Бу борада республикаимиз Президенти бозор иқтисодиётига ўтиш, иқтисодий муносабатларни янгилаш, институционал ўзгаришларни амалга оширишни бошқаришнинг тегишли структурасини яратишни тақозо этишлигини алоҳида уқтиради.

Шахрихон туманидаги «Шахрихон баракаси» фермер хўжалигида ходимлар малакасини ошириш иқтисодий самарадорликка таъсири бўйича тўпланган маълумотларни таҳлил этиш асосида қуйидаги фикр-мулоҳазаларга ва хулосаларга келдик.

1. Шахрихон туманидаги Шахрихон баракаси фермер хўжалигининг табиий-иқлим шароити пахта етиштириш учун қулай ҳисобланади.

2. Шахрихон туманидаги «Шахрихон баракаси» фермер хўжалигида иш юритишнинг ташкилий-иқтисодий асосларини яхши ўзлаштирилганлиги, охириги йилларда контрактация шартномаларини тўлиқ бажараётганлиги, хўжаликда суғорма сувларидан самарали фойдаланиш, тупроқ унумдорлигини ошириш бўйича амалга оширилаётган ишлар, хўжаликни дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг меъёрдан ошмаганлиги ва буларнинг натижасида 26.0% лик рентабелликка эришаётганлиги ижобий натижаларни таъминламоқда.

2. Жумладан, «Шахрихон баракаси» фермер хўжалигида пахта-ғалла етиштиришда 2010-2012 йилларда иқтисодий самарадорлик бир оз яхшиланган. Буни биз якуний иқтисодий самарадорлик кўрсаткичи бўлган рентабеллик даражасидан кўришимиз мумкин. Рентабеллик ошишининг

омили – бу ялпи маҳсулотнинг ишлаб чиқариш ҳаражатларига нисбатан устун даражада ўсганлигидир. Рентабеллик даражаси таҳлил этилаётган даврда 13.9% дан 40.4%га ўзгарган. Аммо бу кўрсаткич ҳозирги бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш жараёнини таъминлай оладиган 30-35%лик даражадан анча пастдир.

1. Шаҳрихон туманидаги Шаҳрихон баракаси фермер хўжалигида ялпи маҳсулот ҳажмини ишлаб чиқариш ҳаражатларига нисбатан устун даражада ошириш эвазига бир бирлик пахта етиштириш ҳаражатларини камайтириб, иқтисодий самарадорликни ошириш имкониятлари мавжуд.

2. Хўжаликка етказиб берилаётган моддий ресурсларнинг баҳосини хўжалик етказиб бераётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига эквивалент мутаносиб тарзда қайта кўриб чиқиши керак. Чунки моддий-техника ресурслари баҳоси ўта юқори бўлиб, бу ўзига хос қийинчиликларни юзага келтирмоқда.

3. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг Ўзбекистонга таъсирини юмшатиш чораларида кўрсатилганидек маҳсулот таннархини камайтириш мақсадида ходимларни малакаларини доимий тарзда ошириб туриш ҳисобига камида 20%га камайтиришга эришиш зарур.

4. Хўжаликда ходимларни доимий равишда меҳнат жараёнида кадрларга оид янгиликлар техника ва технологияларни таъминлаш даражасини яхшилаш лозим.

5. Хўжаликка махсус маълумотли кадрларни ҳам ишга жалб қилиш лозим.

6. Кадрларни қисқартириш ва фойда бермайдиган кадрларни тугатиш. Бунга кадрларнинг зарур даражага мос келмаслигини аниқлаш, фойда бермайдиган кадрлар тўғрисида маълумотларни шакллантириш, фойда бермайдиган кадрлар билан ишлаш, кадрларни қисқартириш ва бўшатиш усулларины такомиллаштириш

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил октябрдаги фермер хўжаликлари ер майдонларини янада мақбуллаштириш тўғрисидаги 3287-

фармон доирасида амалга оширилган тадбирлар натижасида Шахрихон туманида фермер хўжаликлари фаолиятини танқидий баҳолаш асосида уларнинг ер майдонларини оптималлаштирилди. Ушбу жараёнда Шахрихон баракаси фермер хўжалигининг кўрсаткичлари ижобий баҳоланди. Энди бу хўжаликни жадал иқтисодий ривожлантиришга эришиш зарур.

Юқоридаги барча чора-тадбирларни ўзида жамлаган ҳолда Шахрихон баракаси фермер хўжалигида бир бирлик пахта етиштириш харажатларини 15-20% гача камайтириш ҳамда иқтисодий самарадорликни яна 20-22% гача ошириш мумкин. Бунинг учун юқорида тавсия қилинган тадбирларни ўзида жамлаган фермер хўжалиги ривожлантириш дастури тузиш тавсия этилади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. - Т. Ўзбекистон 2003 йил.
2. Ўзбекистон Республикасининг Ер Кодекси. Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари. 1-китоб. – Т.: 1999.
3. Ўзбекистон Республикасининг «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги қонуни. «Халқ сўзи». 2004 йил 27 август.
4. Ўзбекистон Республикасининг Давлат ер кадастри тўғрисидаги қонуни Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари. 3-китоб. – Т.: 1999
5. Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонуни. 1998 йил 29 август.
6. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси. Т.: 1996.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 24 мартдаги ПФ-3226 сонли фармони «Қишлоқда ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида». Халқ сўзи. 2003 йил 25 март

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 27 октябрдаги «2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепцияси тўғрисида»ги фармони. Халқ сўзи. 2003 йил 28 октябр.
9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 30 октябрдаги 476-сонли «2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори. Халқ сўзи. 2003 йил 31 октябр.
10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 декабрдаги 607-сонли «2005-2007 йилларда фермер хўжаликларини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори. Халқ сўзи. 2004 йил 24 декабр.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 21 октябрдаги ПФ-4041 сонли «Озиқ-овқат экинлари экиладиган майдонларни оптималлаштириш ва уларни етиштиришни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони. Халқ сўзи, 22.10.2008
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 6 октябрдаги ПФ-3077-сон «Фермер хўжаликлари фаолиятини юритишда ер участкалари миқдорини мақбуллаштириш чораларини кўриш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш бўйича махсус комиссия ташкил этиш тўғрисида»ги Фармойиши.
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 22 октябрдаги "Фермер хўжаликлари тасарруфидаги ер участкалари майдонларини янада мақбуллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-3287 сонли Фармойиши.
14. Ўзбекистон республикаси президенти И.Каримовнинг 2010 йилда мамлакатни ижтимоий- иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устивор йўналишларига боғишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маълумоти «Барча режа ва дастуриimiz ватанимиз тақдирини юксалтириш халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат

килади » Халқ сўзи .21.01.2011.

- 15.2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади.Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий – иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг йиғилишидаги маърузаси.19.01.2012й.
- 16.Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2012-йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013-йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси 18.01.2013
- 17.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сонли қарорида тасдиқланган «Маҳсулотлар (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш ҳаражатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низом».
- 18.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида шартномавий муносабатларни такомиллаштириш ва мажбуриятларнинг бажарилиши учун томонларнинг жавобгарлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарори (2003 йил 4 сентябр 383-сон).
- 19.И.А.Каримов «Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли». Т.: Ўзбекистон 1993 й.
- 20.И.А.Каримов «Ўзбекистоннинг сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари Т., Ўзбекистон. 1995 йил
- 21.И.А.Каримов «Ўзбекистон буюк келажак сари» Т., Ўзбекистон, 1998.
- 22.И.А.Каримов. Барқарор тараққиётга эриш устивор вазифа. Т Ўзбекистон 1998.
- 23.И.А.Каримов «Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида» Т.: Ўзбекистон. 1995 йил
- 24.И.А.Каримов «Дехқончилик тараққиёти – тўкин ҳаёт манбаи» Т.:

Ўзбекистон. 1998 йил

25. И.А.Каримов «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартарф этишнинг йўллари ва чоралари». Т.: Ўзбекистон. 2009 йил

26. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2008 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устивор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш – давр талаби» Халқ сўзи 14.02.2009 йил.

27. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2009 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2010 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устивор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси «Асосий вазифамиз – Ватанамиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир» Халқ сўзи 29.01.2010.

28. Қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришга доир қонун ва меъёрий ҳужжатлар тўплами. (1-2 қисм). Тошкент 1998 йил.

29. О.Зокиров, А.Пардаев. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти (дарслик). Т.: 2005

30. О.Зокиров, А.Абдуллаев, Ш.Зокиров. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти. (ўқув қўлланма). Андижон, 2002.

31. А.Абдуганиев. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти (дарслик). Тошкент, 2004.

32. Ш.Зиёвутдинов. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти (ўқув қўлланма). Тошкент, 2004.

33. Жўраев Ф. Қишлоқ хўжалиги корхоналарида ишлаб чиқаришни ташкил этиш. (дарслик) . Т.: 2004.

34. А.Исмоилов, О.Муртазаева. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти (дарслик).

- Т.: 2002.
- 35.С.С.Ғуломов. Менежмент. – Т.: «Мехнат», 1997.
- 36.М.Шарифхўжаев, Ё.Абдуллаев. Менежмент. – Т.: «Молия», 2003.
- 37.А.Жабриев, Н.Зугуров. Менежмент. – Самарқанд: 2001
- 38.Б.Салимов, К.Ҳамдамов. Дехқон ва фермер хўжаликлари иқтисодиёти (ўқув қўлланма) Тошкент 2004 йил. й.
- 39.Бакетт.М. Фермер хўжалигини ташкил этиш ва бошқариш (дарслик) Тошкент «Мехнат» 1998 йил.
- 40.О.Олимжонов ва б. Фермерлик фаолиятининг ҳуқуқий ва молиявий асослари. Т. «Университет», 2005.
- 41.О'.Р.Umrzaqov va b. Fermer xo'jaligi iqtisodiyoti. – Т.: "Iqtisod-moliya" 2007.
- 42.О'.Р.Umrzaqov va b. Qishloq xo'jaligi iqtisodiyoti va menejment (darslik). – Т.: 2009.
- 43.А.Абдуллаев ва б. Бизнес режа. – Т.: «Молия» 2002.
- 44.Б.Салимов ва б. Дехқон ва фермер хўжаликлари иқтисодиёти. – Т.:ТДИУ, 2004
- 45.Р.Ҳакимов ва б. Агросаноат мажмуи иқтисодиёти. – Т.:ТДИУ, 2004
- 46.Б.Салимов ва б. Қишлоқ хўжалиги инфратузилмаси иқтисодиёти. – Т.:ТДИУ, 2004.
- 47.О.Якубжонов. С.Турсунов. Ўсимликшунослик. -Т.2008
- 48.А.Ҳамидов. Қишлоқ хўжалиги машиналари. -Т. 1996
- 49.www.ziynet.uz – Ўзбекистон ОЎМТВ қошидаги электрон кутубхона.
50. Шахрихон туманидаги Шахрихон баракаси фермер хўжалигининг 2010-2012 йиллардаги бизнес режалари, йиллик ҳисоботлари ва бошқа маълумотлар.
- 51.Интернет сайтлари
52. www.msu.ru
53. www.rsunet.ru
54. www.tsue.uz
55. www.osu.edu
56. www.timacad.ru.